

ПСИХОДИАГНОСТИК ТЕСТ ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

А.И.Расулов - психология фанлари номзоди, доцент

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Таянч сўзлар: шахс, психодиагностика, психодиагностик тест, мослаштириш, шкалалар.

Ключевые слова: личность, психодиагностика, психодиагностический тест, адаптация, шкалы.

Key words: : personality, psychodiagnostics, psychodiagnostic test, adaptation, scales.

Шахсни тадқиқ этиш муаммоси бўйича анча йиллардан буён илмий изланишлар олиб борилган ва хилма хил баҳолаш воситалари шакллантирилган. Уларда шахс психо-диагностикасига доир тадқиқот методикалари ва уларнинг қўлланиш хусусиятлари тўрисида сўз юритилган Шу боис шахсни тадқиқ этишнинг мураккаблиги ва муҳимлиги доимо мутахассислар диққат марказида бўлиб келмоқда [1:385-387; 2:34-58; 5:3-122]. Психология фани экспериментал ўлчаш ва таҳлил қилиш учун махсус усуллари ишлаб чиқиш орқали ўз тадқиқотларида муваффақиятга эришди. Тадқиқот объектини самарали ўлчаш йўлини топишга ҳаракат қилинган билан бунинг учун ўлчашнинг ўзи етарли эмас. Ўтган йиллар ичида шахс назариялари асосида ўлчаш йўналишлари шакллантирилди. Бу кўп ўлчовли усуллари асосланган ўлчаш ишларидир. Қатор тадқиқот ишлари шахс кўп ўлчовли тадқиқотларнинг натижалари асосларини тавсифлашга бағишланган [4,5,7,9]. Шунинг айтиб ўтиш керакки, ушбу йўналиш психодиагностиканинг ёш йўналиши бўлишига қарамай, уни тадқиқ этишга ишлар сони жуда катта. Шу нуқтаи назардан, муаллифлар барча тажрибалари ва натижаларни батафсил баён қилиш учун умидсизликка тушмайдилар. Бунга сабаб шахс психодиагностикаси борасида тадқиқот методикаларининг яратилганлиги ва татбиқ қилиниши борасида етарли тажрибалар мавжуд [1,2,3,5]. Мамлакатимиз микёсида шахснинг психодиагностикасига доир фундаментал тадқиқотларнинг сони ҳам анчагина паст эканлиги ва шахс психодиагностикаси масаласи айрим манбалар билан чекланганлиги кузатилади [6,8]. Ўтган давр мобайнида шахс хусусиятларини ўрганишга доир

ҳаракатларда айрим методикалар миллий муҳитга мослаштирилганлигининг гувоҳи бўлинади. Уларга мисол сифатида Р.Б.Кеттелнинг “Ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси”, ММРІ методикасининг қисқартирилган варианты (СМОЛ), Тейлор сўровномаси, Элерснинг “Муваффақиятга интилиш мотивацияси” ва “Муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси” сўровномалари шулар жумласидандир. Бу эса шахснинг кенг қўламда тадқиқ этиш учун етарлича диагностика қилиш воситаларига эгамиз деган хулосани бермайди. Жаҳон психодиагностикаси тажрибаларида шахс муаммосини ўрганишга мўлжалланган воситаларни уч хил тарзда шакллантирилади. Биринчиси, янги психодиагностик воситаларни шакллантириш; иккинчиси, бошқа маданий муҳитда мавжуд методикаларни маҳаллий муҳитга мослаштириш; учинчиси, мавжуд методикалар асосида уларни модификациялаштириш орқали таъминланади. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз тадқиқотимизда Ғарб психологиясида шакллантирилган Р.Б.Кеттелнинг “Ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси (16PF)” ва ММРІ методикаларининг рус олимлари В.М.Мельников ва Л.Т.Ямпольскийлар томонидан модификациялаштирилган варианты, яъни “Психодиагностик тест”ни маҳаллий шароитимизда мослаштириш масаласига эътибор қаратилди [5]. Психодиагностик тест Р.Б.Кеттелнинг “Ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси (16PF)” ва ММРІ методикаларининг модификация қилинган варианты бўлиб, уларнинг шахсни баҳолашдаги хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадор шкалалари муносабатидан келиб чиққан методика саналади. Учта методиканинг баҳолаш шкалалари қуйидаги кўринишга эга (1-жадвал):

1-жадвал

ММРІ, 16PF ва Психодиагностик тести шкалалари

ММРІ	16PF	Психодиагностик тест
L- Самимийлик	A-Мулоқотмандлик	Невротизм
F-ҳаққонийлик	H-жасурлик, социал муносабатларга киришимлилик	Психотизм
K-коррекция	E-доминантлик	Депрессия
Ипохондрия (Hs)	L-Шубҳаланувчанлик	Виждонлилик
Депрессия (D)	N-Дипломатик муносабат ўрнатиш	Тургунлашганлик
Истерия (Hy)	Q ₂ –Мустақиллик	Умумий фаолият
Психопатия (Pd)	B-Интеллектуаллик	Тобелик
Маскулизм-феминизм	M-Ҳаёл кўлами	Мулоқотмандлик
Паранойялик (Pa)	Q ₁ -Янгиликка сезгирлик	Эстетик таассуротчанлик
Психастения (Pt)	C-Эмоционал бекарорлик	Назokatлилик
Шизоид (Se)	F-Беғамлик	Психик бекарорлик
Гипомания (Ma)	I-Эмоционал сезгирлик	Ассоциаллик
Социал интроверсия	O-Хавотирланиш	Интироверсия
	Q ₄ –Зўриққанлик	Сензитивлик
	Q ₃ -Ўзини ўзи тартибга солиш	
	G-Ахлокий меъёрларга бўйсунувчанлик	

Юқоридаги жадвалдаги баҳолаш шкалаларига таяниб, Психодиагностик тест (ПДТ) шахсни ўрганиш психодиагностикаси воситалари орасида ўзига хослиги билан ажралиб туради, дейиш мумкин. У ўзида 16PF ва ММРІ методикаларида мавжуд хусусиятларни ўзида акс эттира олган. ПДТнинг баҳолаш шкалалари ҳар иккала методиканинг хусусиятларини ўзида акс эттира олганлиги сабабли уни маҳаллий шароитимизга мослаштириш

масаласига эътибор қаратилди. Натижада ўзбек маданий муҳитида шахс психодиагностикаси тадқиқотлари учун янги методикани татбиқ этиш имконияти туғилди.

ПДТ таркибидаги саволлар 14 та шкалага мужассамлаштирилган бўлиб, улардан 10 таси қуйи шкала ва 4 таси юқори шкала ҳисобланади [5:203-302]. Қуйи шкала таркибига қуйидагилар қиради [5:203-276].

– невротизм (1) (*невротизм шкаласи* шахснинг эмоционал бекарорлиги, безовталаниши, ўзига паст назар билан қараши, вегетатив бузилишларни баҳолайди);

– психотизм (2) (*психотизм шкаласи* эса шахснинг хулқ-атвориға мутаносиблигини текширишга қаратилган.);

– депрессия шкаласи (3) (*депрессия* шахсдаги салбий эмоционал фонни, мотивациясидаги ўзгаришларни, когнитив (билиш) тасаввурлари ва хулқдаги умумий пассивликни ифодалайди);

– виждонлилик (4) (*виждонлилик шкаласи* шахсни ижтимоий норма ва этика талабларига хурматини, ўзини ўзи назорат қилиши, виждони ва умуминсоний қадриятларга муносабатини белгилайди);

– турғунлашув (5) (*турғунлашув шкаласи* шахс хулқ-атворининг вазминлашганлиги ва ижтимоий-лашганлиги мужассами);

– умумий фаоллик (6) (*умумий фаоллик* шкаласи шахснинг кучи, қуввати ва умумий фаоллик даражасининг ўлчовчидир);

– тобелик (7) (*журъатсизлик, уятчанлик шкаласи* бу журъатсизлик, кучлилик ва шахслараро муносабатдаги чекланганликни характерлайди);

– муомалага киришимлилик (8) (*мулоқот-мандлик шкаласи* шахснинг мулоқот жадаллиги ва кўламини белгилайди);

– эстетик таассуротчанлик (9) (*эстетик таассуротчанлик* эса шахснинг эстетик ва бадий кадр-қимматларга сезгирлигини аниқлайди);

– назокатлиликлар (10) (*назокатлиликда* шахснинг маданият ва жамият кўрсатмаларига назокатлилик билан ёндашиши ўз ифодасини топади) киради.

ПДТнинг юқори шкалаларини [5:277-302] эса психик бекарорлик (11) (*психик бекарорлик* шкаласи

шахсдаги невротизм, психотизм, депрессияни мужассамлаштириб, психик бекарорликни умумий тарзда баҳолашга ёрдам беради); ассоциаллик (12) (*ассоциаллик* ёрдамида шахснинг ижтимоий мослашувчанлиги ва кўникмалари баҳоланади); интроверсия (13) (*интроверсия шахснинг* ижтимоий муносабатларга боғланишини ифодалайди) ва сензитивлик (14) (*сензитивлик* эса шахснинг эмоционал кечинмаларининг нозик томонларини аниқлашга мўлжалланган шкала) ташкил этган.

Юқори шкаланинг ташкил этувчилар ўз таркибига қуйи шкаланинг бир қатор шкалаларини ўзида бирлаштиради. Психологик тестларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларда назорат шкаласи, яъни текширилувчиларнинг жавобларининг объективлигини баҳолаш характерига эгаллигидир. Мазкур психодиагностик тестнинг назорат шкаласини юқори шкалалар бажаради. Агар қуйи шкала натижалари билан юқори шкала натижалари орасида мутаносиблик бўлмаса натижаларнинг ҳаққонийлиги пастлигидан далолат беради.

Бизнинг тадқиқотимизда ПДТ мослаштириш чоратадбирлари қуйидаги тамойилларга таяниб амалга оширилди:

– методиканинг оригинал варианты асосида ўзбек тилидаги кўриниши шакллантирилди;

– методиканинг оригинал варианты билан ўзбек тилидаги варианты ўртасидаги ўзаро мослик таъминланди;

– методиканинг мослаштирилган варианты психометрик мезон талабларига мувофиқлаштирилди. Бунинг учун методиканинг ишончилигини аниқлашда ретест қоидаcиға таянилди. Методиканинг ишончилигининг ретест қоидаcи бўйича олинган натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Психодиагностик тест шкалаларининг ишончилилик кўрсаткичлари

Но	Методика шкалалари	Ретест текширув натижаси
1	Невротизм	0,741**
2	Психотизм	0,703*
3	Депрессия	0,661*
4	Виждонлилик	0,672*
5	Турғунлашганлик	0,604**
6	Умумий фаолият	0,671*
7	Тобелик	0,511*
8	Мулоқотмандлик	0,791**
9	Эстетик таассуротчанлик	0,698**
10	Назокатлилик	0,691**
11	Психик бекарорлик	0,729**
12	Ассоциаллик	0,655*
13	Интроверсия	0,608*
14	Сензитивлик	0,652**

Изох: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$

Психодиагностик методикаларнинг ишончилилик коэффициентлари меъёрига кўра амалиётга татбиқ қилишга тавсия этиладиган тестларнинг кўрсаткичи имкони қадар +1 меъёрий кўрсаткичга яқинлашган бўлиши керак. Агар ушбу талабга кўра ПДТ шкалаларининг ишончилилик кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, ўн тўртта шкаланинг барчаси ишончилилик коэффициентини аниқлаш бўйича юқори корреляцион коэффициентга эга бўлган., аммо айрим шкалаларнинг ишончилилик даражаси яна бир бора баҳолаш индикаторларини қайта синовдан ўтказиш зарурати борлигидан далолат берди (тобелик шкаласи $r=0,511$). Методикаларнинг ишончилилик кўрсаткичи статистик жиҳатдан 0,70-0,80 даражага эгаллиги энг мақбул ҳолат ҳисобланади. ПДТ мослаштирилган вариантыда шкалаларнинг ишончилилик кўрсаткичлари $r=0,511 \div 0,741$ чегарасидан жой олди. Бундан кўринадики, ПДТнинг дастлабки мослаштирилган шаклини амалиётда қўллаш учун етарли ишончилилик

коэффициентга эга деган хулосага эгамиз. Шундай бўлса-да, методика-ларнинг кўпчилилик шкалалари: “депрессия - $r=0,661$ ”, “виждонлилик $r=0,672$ ”, “турғунлашганлик- $r=0,604$ ”, “умумий фаоллик- $r=0,671$ ”, “эстетик таассуротчанлик”-0,698, “назокатлилик” - 0,691, “ассоциаллик” - 0,655, интроверсия-0,608, “сензитивлик” - 0,652 коэффициентига ва $p \leq 0,05$ даражасига эга. Ушбу ишончилилик коэффициентлари ҳам ижобий ҳамда 0, 70 микдорий кўрсаткичга яқинлиги сабабли ҳам уларни ижобий кўрсаткич сифатида қабул қилиш мумкин. “Невротизм” - 0,741, “психотизм” - 0,703, “мулоқотмандлик” - 0,791, “психик бекарорлик”-0,729 ишончилилик коэффициентига эга бўлди. Бу эса методиканинг маҳаллий муҳит учун мослаштирилган варианты шахс психодиаг-ностикаси мақсадларида фойдаланишга тавсия этишдан далолат беради.

Психодиагностик тестнинг мослаштириш юзасидан амалга оширилган тажриба натижалари ва

уларнинг эмпирик кўрсаткичлари таҳлиладан келиб чиқиб, уни татбиқ этиш юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. ПДТнинг барча шкалалари ёки алоҳида шкалаларини қўллаш орқали шахс хусусиятлари юзасидан зарур илмий маълумотлар олиш мумкин.
2. ПДТнинг қуйи шкалалари билан юқори тартибли шкалаларини ўзаро қиёсий таҳлил қилиш орқали натижаларнинг ҳаққонийлиги таъминланади.
3. ПДТ шахсдаги рухий барқарорлик ва беқарорликни ўрганишга мўлжалланган бўлиб, улар орқали шахснинг психик фаоллик даража-сидаги ўзгаришларни баҳолашга эришилади.
4. ПДТ ёрдамида шахснинг социал муносабатларга киришимлиги, ижтимоий фаоллиги ва эстетик таассуротчанлик даражаси аниқланади;

Адабиётлар

1. Анастаси А. Психологическое тестирование. Т.ИИ. - М.: «Педагогика». 2005. -С.233-234.
2. Березин Ф.Б., Мирошников М.П., Соколова Е.Д. Методика многостороннего исследования личности. Структура, основы интерпретации, некоторые области применения. Предисл. Т.Барлас. 3-е изд., испр. и доп. -М.: "Березин Феликс Борисович". 2011. -С. 320.
3. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика: Учебник для вузов. СПб. –Питер: 2006. -С.351.
4. Гильбух Ю.З. Актуальные вопросы валидации психологических тестов. Вопросы психологии. № 5. -М.: Педагогика, 2008. -С. 108-118.
5. Мельников В.М., Ямпольский Л.Т. Введение в экспериментальную психологию личности. - М.: «Просвещение», 1985. -С.319.
6. Нишанова З., Курбонова З., Абдиев С. Психодиагностика ва экспериментал психология. -Т.: 2011. 8-б.
7. Общая психодиагностика. Под ред. А.А.Бодалева, В.В.Столина. -М.: Изд-во МГУ, 2008. -С.10-13.
8. Расулов А.И. Психодиагностика. –Тошкент: «Мумтоз сўз». 2010. 169-б.
9. Словарь-справочник по психологической диагностике. Бурлачук Л.Ф., Морозов С.М. Отв. ред. С.Б. Крымский. -Киев: «Наук. Думка», 1989. -С. 114-116.

РЕЗЮМЕ

Маколада шахс хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган психодиагностик тест ҳақида сўз боради. Унда психодиагностик тестнинг мослаштириш масаласи ва баҳолаш меъёрлари ёртилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается психодиагностическому тесту, ориентированному на личностные качества. В ней основное внимание уделяется стандартам адаптации и оценки психодиагностических тестов.

SUMMARY

The article is devoted to the psychodiagnostic test aimed at personal qualities. The attention is focused on the standards of adaptation and evaluation of psychodiagnostic tests.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

У.Х.Тўракулов - ўқитувчи

Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: Бўлажак ўқитувчи, касб таълими, интеллектуал-лаштириш, таълим мазмуни, билим, қўнма, малака, интеллектуал ресурс, интеллектуал салоҳият, интеллектуал фаолият, таркиб топтириш, шакллантириш, инновацион, мутахассислар, индукция, интеграция, интерфаол.

Ключевые слова: будущий учитель, профессиональное образование, интеллектуальное, образовательное содержание, знания, умения, интеллектуальные ресурсы, интеллектуальный потенциал, интеллектуальная деятельность, содержание, формирование, инновация, экспертиза, индукция, интеграция, интерактивность.

Key words: future teacher, vocational education, intellectual, educational content, knowledge, skill, habits, intellectual resources, intellectual potential, intellectual activity, content, formation, innovation, expertise, induction, integration, interactive.

Маълумки бўлажак ўқитувчилардаги интеллектуал салоҳият жамият тараққиётини интеллектуаллаштиришга салмоқли таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам бундай бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни уларга таълим беришнинг барча ўқув босқичларида узликсиз равишда олиб бориш лозим бўлди.

Мазкур соҳада олиб борган изланишимизни ҳам бўлажак мутахассисларни интеллектуал салоҳиятли қилиб тайёрлашни муайян динамик тизим кўринишида олиб бордик. Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз бундай динамик тизимни қуйидагидек кетма-кетликда [1-5]:

интеллектуал ресурсни тайёрлаб олиш босқичи. Бу босқич 1-курсдаги таълим-тарбия жараёнига мос равишда олиб борилади;

интеллектуал салоҳиятни таркиб топшириш босқичи. Бу босқич 2-курсдаги таълим –тарбия жараёни билан уйғун ҳолда олиб борилади;

бўлажак ўқитувчиларни **интеллектуал фаолиятга тайёрлаш босқичи.** Бу 3-курсдаги таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади; бўлажак ўқитувчиларни **интеллектуал фаолиятни ташкил**

этишга тайёрлаш босқичи. Бу 4-курсдаги таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади.

Баён этилган тўртала босқич ўзаро узвий боғланган, уларнинг биринчиси иккинчисини тўлдириб боради, кейинги босқич учун пропедевтик маълумот бўлиб, у ўз навбатида дидактик асос ҳам бўлиб боради. Биринчи босқичдаги интеллектуал ресурсларга оид маълумотлар интеллектуал салоҳиятнинг ўзагини ташкил этади, улар асосида иккинчи босқичдаги интеллектуал салоҳият шакллантирилади, яъни интеллектуал салоҳият интеллектуал ресурсдан бир поғона зиёд бўлади. Худди шунингдек учинчи босқичдаги интеллектуал фаолият интеллектуал ресурс ва салоҳият негизида шакллантирилади ва демакки, тўртинчи босқичда бевосита улар негизида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрланади, яъни интеллектуал фаолиятни ташкил эта оладиган бўлажак ўқитувчига касбий фаолиятга тавсия берилади.

Юқорида ифодаланган бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг бакалаврият йўналишидаги барча курслари бўйича динамик кетма-кетлик бўлажак